Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 137 (6. 328) ◉ 1987 йил 18 июнь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида

КПСС Марказий Комитети қабул қилинган қарорда шуни қайд этдики, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг КПСС XXVII съездининг, Марказий Комитет 1987 йил январь Пленумининг йўл-йўриқларига амал қилиб, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини қайта қуриш, ўтмишда йўл қўйилган жиддий бузилишлар ва суиистеъмолчиликларни бартараф этиш, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятини, ишга масъулиятли муносабатни қарор топдириш соҳасида баъзи ишларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга кўрилаётган чоралар ярим-ёрти тусда бўлиб, етарлича изчил эмас, бу эса тўпланиб қолган проблемаларнинг мураккаблиги ва ўткирлигига мувофиқ келмаяпти, маънавий иқлимни соғломлаштиришга, областни иқтисодий ва социал ривожлантириш самарадорлигини оширишга етарлича таъсир ўтказмаяпти. 1986 йилда саноат корхоналарининг учдан бир қисми маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда маҳсулотни реализация қилиш, бешдан бир қисми эса меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларини уддалай олмади. Давлат қабули шароитида ишлаётган коллективларнинг кўпчилиги бу йил шартнома мажбуриятларини барбод этмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни ишга туширш топшириқлари бажарилмаяпти. Аграр сектор қониқарсиз ривожланмоқда, мева ва пахта ҳосилдорлиги 70-йилларнинг бошларидаги даражада қолмоқда.

Область партия комитети областда йўл қўйилган кўпгина камчиликлар, кадрлар снёсати соҳасида хатолар аввало партия ташкилотлари принципиал позицияларда қола олмаганликларининг оқибати эканлигини амалий ишида ҳисобга олмаяпти. Бу эса партия сафларини шакллантириш практикасидаги бузилишлар, партия сафлари сифатининг ёмонлашуви билан бевосита боғланган. Умуман республикада бўлгани каби областда ҳам узоқ вақт мобайнида партияга қабул қилишни тезлаштириш йўли ўйламай-нетмай ўтказиб келинди. Партия ташкилотлари ўз составини етарлича етук бўлмаган, беқарор ва ҳатто ёт унсурлар билан тўлдириб юборди. Кўпчиликни ташкил этган ҳалол, партия ишига астойдил содиқ коммунистлар билан бир қаторда ана шу партия ташкилотларида хусусий мулкчилик психологияси, амалпарастлик иллатига мубтало бўлган, хушомадгўйликка ва совға-саломларга ўч, ичкиликбоз кимсалар ҳам кўпайиб қолди.

Кўпгина партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини ва аппаратнинг ишини амалда назорат қилмай қўйдилар, кадрларни танлаш ва тарбиялашдан четлашиб қолдилар. Баъзи коллективларда, ҳатто, областда доимо ўрнак қилиб келинган «Политотдел» колхозида, Охунбобоев номли совхозда, «Ташавтоматика» заводида, 1-пойабзал фабрикасида ҳар қандай ишдан тап тортмаслик ва ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватлаб, қинғир ишларни яширадиган вазият юзага келди, бу эса раҳбар ходимларнинг ўз мавқеини суиистеъмол қилишларига, маънавий жиҳатдан юзтубан кетишларига сабаб бўлди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари партия сафларини шакллантириш чоғида йўл қўйилган шошмашошарлик ва одамларни фарқ қила билмасликнинг хатарли оқибатларини тўла даражада англаб олганлари йўқ ва ҳозирги вақтда бу ишни кўп жиҳатдан эскичасига олиб бормоқдалар. Тошкент, Олмалиқ, Янгиёўл шаҳар, Оққўрғон, Пискент, Коммунистик ҳамда бошқа кўпгина район ташкилотларида кандидатликка қабул қилиш чоғида амалда ҳеч ким қайтарилмаяпти, аммо оқибатда эса уларнинг баъзилари партиядан ўчирилмоқда ёки чиқиб кетмоқда.

Янги аъзолар партия кўчаларига бўлган реал эҳтиёжларни, сафларни ўстиришнинг мавжуд базасини ва партияга кирувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олмай танланмоқда, партия сафлари кўпинча жиддий меҳнат ва ҳаёт мактабидан ўтмаган кишилар ҳисобига шакллантирилмоқда. Ҳар қандай, ҳатто унча катта бўлмаган раҳбарлик лавозимида ҳам партия аъзоларига эга бўлиш мақсадида хизматчиларни янги лавозимга «кўтариш» арафасида партияга қабул қилиш кенг тарқалганлиги амалпарастлик муддаоларини кучайтиради. КПССга аъзоларни танлаб олиш чоғида область аҳолисининг кўпмиллатли структураси етарлича ҳисобга олинмаяпти, туб миллат бўлмаган илғор меҳнатчиларни қабул қилишга тегишлича эътибор берилмаяпти.

Партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш системаси йўқ.

Партия ишининг шу соҳасида вужудга келган аҳвол — область партия ташкилоти, унинг раҳбар органлари бу соҳага жиддий равишда етарли баҳо бермаганликларининг натижасидир. Кўпгина партия комитетларининг биринчи секретарлари партия сафларини шакллантиришга доир ишни қандай ташкил этиш тўғрисида аниқ тассаввурга эга эмаслар, ўзлари ўқишмайди ва бунга активларни ҳам ўқитиб-ўргатишмайди. Шаҳар, район комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари, оммавий ахборот воситалари, партия ташкилотларининг составини яхшилаш борасидаги ишга дуруст жалб этилмаган.

КПСС Марказий Комитети Тошкент область партия комитетининг, обком бюросининг, шахсан биринчи секретарь Ўртоқ Т. А. Алимовнинг эътиборини КПССга қабул қилиш ва область партия ташкилотини мустаҳкамлаш, бу ишдаги жиддий бузилишларни бартараф этиш соҳасидаги ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганига янада қатъий барҳам бериш зарурлигига қаратди. Бу ерда аъзоларни танлаб олишни қаттиқ, юзаки тартибга солишдан, шаҳар, район комитетларига, бошланғич ташкилотларга партия қатламининг сунъий равишда кўпайишига олиб борувчи контрол топшириқлар белгилашдан иборат таркиб топган практика қораланди.

Партия составида ишчиларнинг устунлик мавқеини таъминлаш, уни энг яхши колхозчилар ва зиёлиларнинг намояндалари билан тўлдириш, ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги барча ишларни КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига, Программа ва Устав талабларига қатъий мувофиқ равишда, КПССга аъзолик ленинча принципларига асосида олиб бориш керак. Партияга қабул қилиш партия ташкилотларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг, қайта қуришнинг боришига улар таъсирини кучайтиришнинг, иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг барча томонларини янгилашнинг самарали воситаси бўлиши лозим.

Область, шаҳар, район партия комитетлари партия сафларини тўлдирувчиларнинг сифат составини тубдан яхшилашни амалда таъминлашлари, шу ишнинг йўлга қўйилиши учун бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини оширишлари шарт.

КПСС Марказий Комитети партияга танлаб олишнинг барча босқичларида янгича ёндашувга сўзсиз риоя этилишини, ўз тақдирини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан партия билан боғлаш истагини билдирган кишиларнинг сиёсий, амалий ҳамда ахлоқий фазилатлари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишини айниқса муҳим, деб ҳисоблайди. Партия сафларининг софлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, амалпарастлардан, ғоявий ва маънавий жиҳатдан беқарор кишилардан партия сафларини ҳимоя қилиш — ҳар бир бошланғич ташкилотнинг, КПСС ҳар бир аъзосининг энг биринчи бурчи ва ғоят муҳим вазифасидир. Яхши тайёрланган ўсиш базасини яратишга энг асосий эътибор берилсин. Кандидатликка қабул қилиш тўғрисидаги ариза ларни партия группалари ҳамда цех партия ташкилотларида олдиндан муҳокама этиш практика қилинсин. Ана шу масалаларнинг кўриб чиқилиши ҳақида меҳнат коллективлари олдиндан хабардор қилинсин. Уларни муҳокама қилишда мазкур партия ташкилотидаги ҳамма коммунистлар, шунингдек партияга кирувчиларни яхши биладиган партиясиз ўртоқлар фаол иштирок этишларига эришилсин. Одамларни партияга қабул қилишни уларни кейин раҳбарлик лавозимларига тайинлаш билан боғлиқ қилиб қўйишга уринишларга чек қўйилсин, раҳбарликка партиясиз ходимлар дадиллик билан кўтарилсин.

Тавсиянома беришга виждонан муносабатда бўлмаган, расмиятчилик қилган КПСС аъзоларидан жиддий жавобгарлик талаб қилинсин, кандидатларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида тавсияномa берувчиларнинг жавобгарлик масаласи муҳокама қилинсин. Партияга тавсия этиш сифати учун комсомол комитетларига нисбатан талабчанлик оширилсин. Ҳар бир партия ташкилотида ёш коммунистлар учун ишлаб чиқариш ва ижтимоий характердаги конкрет топшириқлар белгилаб қўйилсин, Устав ҳуқуқларини амалда қўлланишга ва бурчларини бажаришга ўргатилсин, кандидатлик стажларини ўтишлари хусусида кандидатларнинг ҳисоботлари мунтазам тинглаб борилсин.

КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларга партия қурилиши асосларини ўргатишни яхшилаш чоралари кўрилсин.

Шаҳар, район партия комитетлари КПССга қабул қилиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлашга янада талабчанлик билан ёндашишлари зарур. Партия комитетларининг пленумларида ва бюроларида партия ташкилотларининг ёш ўринбосарлар билан ишлаш тўғрисидаги ҳисоботи мунтазам кўриб чиқилсин. Партия комиссияларининг фаолияти шунга қаратилсинки, улар партияга қабул қилиш тўғрисидаги масалаларни ва коммунистларнинг шахсий ишларини жойларга бориб ўргансинлар.

Коммунистларни, энг аввало ёш коммунистларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. Бу ишда КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларда коммунистик эътиқодни, партия йўлини амалга оширишда актив позицияни шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғуларини тарбиялаш биринчи ўринга қўйилсин. Коммунистларнинг авангардлик роли конкрет хулқ-атворида, амалий ишларида, ижтимоий бурчини ҳалол бажаришида намоён бўлишига қатъият билан эришилсин.

КПСС Марказий Комитети область партия комитети, областдаги шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига партия ташкилотларини соғломлаштириш, уларни бузилган, амалпараст унсурлардан — партия билетидан наф чиқаришни кўзлаб партияга кириб олган барча шахслардан қатъий тозалаш ишларини фаолроқ олиб бориш вазифасини юклади. Коммунистларнинг, энг аввало жиддий эътирозлар билдирилаётган коммунистларнинг ҳисоботларини очиқ йиғилишларда кўриб чиқиш, бу йиғилишларда уларга берилган характеристикаларни тасдиқлаш, агар талаб қилинса уларнинг партия сафида қолиш-қолмаслиги масаласини ҳал этиш практикаси кенг қўлланилсин. Суҳбатлашиш ва яккама-якка иш олиб боришнинг бошқа шаклларидан кўпроқ фойдаланилсин. Порахўрлик, ўғрилик, қўшиб ёзиш учун партия сафидан ўчирилган кишилар партия сафига тикланишига ёки қайтадан қабул қилинишига йўл қўйилмасин.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига, марказий ва маҳаллий партия газеталари ҳамда журналлари редакцияларига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига партия қурилиши назарияси ва практикасининг актуал проблемаларини, айниқса партия аъзолиги проблемаларини, партия ташкилотларининг КПСС сафларини тўлдириш учун одамларни танлаш ва уларни тарбиялаш ишларини ёритишни яхшилаш таклиф қилинди. «Партия турмуши» журнали саҳифаларида ёш коммунистларнинг сиртқи мактаби ташкил этилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аниқланган камчиликларни бартараф этишда Тошкент область партия ташкилотига самарали ёрдам кўрсатиши ҳамда республикада КПСС сафига қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамма ишларни қайта қуриш учун зарур ҳулоса чиқариб олиши лозим. КПСС XXVII съездида ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида республика партия ташкилоти шанига айтилган танқидий мулоҳазаларни амалга оширишга эришиш учун янада зўр ғайрат ва изчиллик билан ҳаракат қилинсин.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига КПСС турмуши ва фаолиятининг, совет жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичида партия сафларини тўлдириш борасидаги барча ишларга раҳбарлик даражасини оширишни тавсия қилди.

Партиянинг бугуни ва келажаги бугун Ленин партиясига кимлар аъзо бўлиб кираётганлигига боғлиқ. Одамларнинг қайта қуришга, ошкораликка, танқид ва ўз-ўзини танқидга, демократияни чуқурлаштириш жараёнига муносабати, буларни рўёбга чиқаришда амалий иштирок этиши партия сафларига киришнинг энг муҳим меъзони бўлиши керак. Партия сафларини ҳозир тўлдираётган кишиларда улар революцион ижтимоий ўзгартишларнинг олдинги сафида бораётган коммунистларнинг синалган отрядига қўшилаётганлигидан алоҳида фахрланиш туйғуси тарбиялансин.

КПСС сафига қабул қилиш учун одамларни танлаш, КПСС составини мустаҳкамлаш практикаси ҳар томонлама такомиллаштирилсин, партия сафига қабул қилишда илғор ишчиларга кенг йўл берилсин. Бир қанча партия ташкилотларида давом этиб келаётган партияга қабул қилишни тезлаштириш, партия таъсирини кучайтириш ҳақидаги ғамхўрликни коммунистлар қатламини оширишга айлантириб юборилганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблансин.

КПСС Марказий Комитети сўнгги вақтларда кўпгина партия комитетлари партия қуйи бўғинларини четлаб ўтиб, коммунист-раҳбарларнинг шахсий ишларини кўриб чиқаётганлигидан ва ҳатто қандай жазо берилганлиги тўғрисида бошланғич ташкилотларга маълум қилинмаётганлигидан ташвиш билдирди. Коммунистнинг ўз ножўя хатти-ҳаракатлари учун аввало бошланғич партия ташкилоти олдидаги жавобгарлиги хусусидаги Устав талаби бажарилиши қатъий назорат остига олинсин.



Халқ номзодлари

Масъулият ҳисси

Упа-элик фабрикасида кўплаб аёллар меҳнат қилишади. Уларнинг энг фаолларн асосий вазифаларидан ташқари жамоат ишларини ҳам уддалаб келишади. Шундай пешқадам, актив жамоатчилардан бири — 2-цех ишчиси Гулчеҳра Ҳожиметовадир. Гулчеҳра ўрта мактабни тугатгач, тўғри фабрикага ишга келди. «Устоз кўрмаган шогирд, шогирдми!», деган гап бор. У ҳам ишни шогирдликдан бошлади. Бригада бошлиғи Жамила Тошматова унга устозлик қилди. Тез орада зеҳнли Гулчеҳра қадоқлаш касбини ўрганиб олди.

Эндиликда унинг ўзи ёшларга бой тажрибасини ўргатиб келмоқда. «Меҳнат қилган — элда азиз» дейдилар. Гулчеҳра Ҳожиметова ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги туфайли коллектив ҳурматини қозонди. Унга фабрика меҳнатчилари катта ишонч билдирдилар. Цех комсомол ташкилотининг секретари Г. Ҳожиметованн бир овоздан КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар.

Айни кунларда коммунистик меҳнат зарбдорн Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини муносиб меҳнат армуғони билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. У бу ишни санага қадар беш йилликнинг икки йили план топшириғини бажариш учун курашяпти. Смена топшириқларини ортиғи билан адо этаётган Гулчеҳра кўзлаган марраси томон дадил бормоқда.

Яқинда фабрика коллективи ёш коммунистга яна бир катта ишонч билдирди. Унинг номзодини Ҳамза район Совети депутатлигига тавсия этдилар.

— Мен бундан ғоят хурсандман, — дейди Гулчеҳра Ҳожиметова. — Депутатлар коммунистик партия сиёсатини, халқ манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг платформасини амалга оширишлари лозим. Халқ номзоди, халқ вакили ўзининг бутун депутатлик фаолиятини халқ ишига, сайловчиларнинг наказларини бажаришга қаратмоғи керак. Мен буни юракдан ҳис этиб турибман.

Ҳа, масъулиятни ҳис этиш, бу катта гап. Демак, Гулчеҳра Ҳожиметова сайловчиларнинг ишончини сўзсиз оқлайди. Коллектив унинг номзодини район Совети депутатлигига тавсия этиб янглишмаган. Демак, унн олдинда муҳим давлат ва жамоат ишлари кутмоқда.

СУРАТДА: Г. Ҳожиметова.

Т. Каримов фотоси.

Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн биринчи сессияси

Тошкент шаҳар Совети партия группасида

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 12 июнь куни сессия бошланиши олдидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети партия группасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири, коммунист-депутат Б. Ҳ. Пўлатовнинг халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловолди кампаниясининг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Йиғилишни партия группаси ташкилотчисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков олиб борди.

САВДО ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

«Тошкент оқшоми» газетаси аввал хабар қилганидек, шу йил 12 июнь куни Тошкент область партия комитетининг катта мажлислар залида ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия раиси этиб «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари, депутат И. В. Прасолов, секретари этиб «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси оператори, депутат Л. З. Зокирова сайланди.

Сессия қуйидаги кун тартибини тасдиқлади.

1. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетн савдо, умумий овқатланиш Бош бошқармалари, «Ташлодоовошчпром» бирлашмаси раҳбарлари Ғ. Ҳ. Мансуров, М. З. Усмонов ва К. Т. Умаров ўртоқларнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида савдони ташкил этишни такомиллаштириш ва шаҳарни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» халқ депутатлари шаҳар Совети саккизинчи сессиясининг 1986 йил 18 октябрдаги қарорининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлари.

2. Тошкент шаҳар суди раиси К. Н. Носировнинг Тошкент шаҳар суди ишн тўғрисидаги ҳисоботи.

Докладларни муҳокама қилишда депутатлардан қадоқлаш ва ўраш ускуналари тажриба-конструкторлик бюросининг директори П. Ф. Куличенков, «Ташхлебторг» 49-магазин контролёр-кассири М. М. Мансурова, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчи-инженери Г. В. Родькина, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Плотников, шаҳар прокурори В. Е. Теркин, Ҳ. Сулаймонова номидаги суд-экспертиза институтининг директори Б. И. Пинхасов, «Узместпром» тажриба-экспериментал заводининг сайқалловчиси Н. Фатхуллаева ўртоқлар қатнашдилар.

Тошкент шаҳар Совети депутати Ш. Воҳидовнинг депутатлик сўровига жавобан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Ё. Охунжонов сўзга чиқди.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети савдо ва маиший хизмат бўлими мудирининг ўринбосари А. Ё. Мансуров иштирок этди.

— Биз савдо соҳасидаги ишларни, камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини, салбий ҳолатларни ўз-ўзини танқид ва талабчанлик руҳида таҳлил қилиб чиқдик, — деди биринчи масала юзасидан ҳисобот берган Ғ. Ҳ. Мансуров. — Умумхалқ мисёсида бошланган қайта қуриш бизнинг соҳамизда ҳали етарли даражада жадаллаштиришга эришгани йўқ. Шаҳар аҳолисининг мактублари, ариза ва шикоятлари бундан далолат бериб турибди. Деярли ҳар беш хатнинг бирида савдо хизматининг қониқарсиз эканлиги тўғрисида гап боради.

Жорий йилнинг беш ойи мобайнида амалга оширилган ишлар якуни ҳам ана шундан далолат беради. Биз давлат плани бажарилишини таъминлай олмадик. Ўтган давр ичида шаҳар бўйича планлаштирилган товар оборотн ҳажмидан 47 миллион сўм орқада қолдик. Бошқача айтганда, 7—8 иш куни орқада қолишга йўл қўйилди.

Юзага келган бу аҳволнинг асосий сабаби — савдо Бош бошқармасининг айрим раҳбарлари, унга бўйсунувчи ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамон «кутиш режими»да эканликлари билан изоҳланади. Улар ташаббускорлик, қатъият кўрсатмаётирлар, янгилик учун масъулиятни ўз зиммаларига олишдан бош тортаётирлар, Ҳанузга қадар кўпгина ходимлар интизомлилик, ўзига нисбатан қаттиқ талабчанлик, виждонан ишлаш намунасини кўрсатмаётирлар. Буни мен биринчи галда савдо Бош бошқармасининг раҳбари сифатида ўзимга, ўринбосарларимга тааллуқли деб биламан. Қайта қуришни жадаллаштиришда айнан биз Бош бошқармасининг раҳбарлари ибрат кўрсатишимиз лозим.

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

21 июнь—маҳаллий Советларга сайловлар куни

Э Л И Ш О Н Ч И

Шаҳримизда муҳим кампанияга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Барча сайлов участкаларида номзодлар билан қизғин учрашувлар бўлиб ўтяпти.

Ана шундай учрашув Чилонзор районидаги 2-сайлов участкасида бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти биносида жойлашган. 434-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод — Тошкент пойафзал фабрикасининг 2-бирлашмаси ишчиси Надежда Храмова ва Чилонзор район 4-сайлов округидан район совети депутатлигига номзод Муқимий номидаги республика музикали драма ва комедия театри артисти Феруза Умарбекова участка сайловчилари билан биринчи маротаба учрашишди.

Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сўзга чиқишиб, бўлажак депутатлар ўз фаолиятлари билан ҳаммага ўрнак бўлишлари ва улар ишончларини оқлашга интилишлари зарурлигини айтишди.

Шундан сўнг сайловчилардан 9 Январь кўчасида яшовчи Г. Абдураҳмонова, Л. Аникина, Ф. Астаева, М. Киселёва ва бошқалар сўзга чиқишиб, номзодларга якдиллик билан овоз беришга чақирдилар. Айни пайтда ўзлари истиқомат қилаётган уйлари, бу ерларни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш муаммолари, кўпгина етилган бошқа масалалар ҳақида куюниб гапиришди.

Бу кўча, яъни 9 Январь кўчаси шаҳримиз марказида жойлашган. Лекин бу ерда фақат бузиб ташланган ва омонатгина уйларга кўзимиз тушади. Газ ва водопровод тўла ҳал этилмаган. Чиқинди ташланадиган яшиклар йўқлигидан санитария қоидалари бузилган. Ҳатто оддийгина яшаш шароитига эга бўлмаган хонадонлар ҳам учрайди.

Сайловчилар бу масалалар билан бўлажак депутатлар жиддий шуғулланадилар деб ишонч билдиришди. Бу уларнинг депутатликка номзодларга наказлари эди.

Учрашув сўнгида депутатликка номзодлар сўзга чиқишиб, сайловчиларнинг билдирган катта ишончлари ва уларнинг таклиф ва истакларини амалга ошириш учун қўлларидан келган барча зарур чора-тадбирларни кўришга, халқ ишончини оқлашга ваъда беришди.

У. МУҲАМЕДОВ.

САВДО ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

(Давоми. Бошы 1-бетда).

Бугунги кунда шаҳарда савдо майдончалари етишмайди. Мавжуд магазинлар эса шаҳарнинг турли районларида бўлиб, айниқса аҳоли кўп яшайдиган массивларда улар нотекис жойлашган. Айни вақтда савдо корхоналарини ишга тушириш планлари йилдан-йилга бажарилмай келаётир. Бу объектларни лойиҳалаш масаласини «Гипроторг» институтининг Ўрта Осиё филиали ҳануза қадар ижобий ҳал қилгани йўқ.

Савдо объектларини қуришни «Главташкентстрой»нинг ихтисослашган трестларидан бирига топшириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ҳозирча бу иш билан Бош бошқармаларнинг бир қанча бўлинмалари шуғулланиб келмоқда.

Шаҳардаги 1966 йилгача фойдаланишга топширилган магазинларнинг анчагина қисми реконструкцияга ва капитал ремонтга муҳтож. Масалан, «Ташхлебторг» бирлашмасининг магазинларидан қарийб 40 проценти шунга далил бўла олади. Бироқ ҳар йили мана шу мақсадларга ажратилаётган маблағ эҳтиёжларни қоплашга етмайди.

Тошкент мамлакатимиздаги саноат корхоналари ва савдо базаларидан магазинларга тўғридан-тўғри товар жўнатишнинг умумиттифоқ илмий программаси жорий этилаётган 85 та шаҳарнинг бири ҳисобланади. Бу соҳада олиб борилаётган иш мутлақо етарли эмас. Тараскуналарини қўллаш билан тара ҳаракати илғор технологияси суслик билан жорий этилмоқда. Бунинг сабаби шериклар билан алоқа ўрната олинмаганлигида эмас, балки саноат корхоналари ҳамда автотранспорт ташкилотлари билан тил топа олинмаганлигидадир. Бу борада биз етарли принципиаллик ва матонат кўрсата олмадик. Оқибатда янгиликни жорий қилиш амалга ошмай қолди.

Ҳозирги вақтда 40 та магазин янги технология бўйича ишлашга тайёр. Биз уни тезлатиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз лозим. Ташаббус биздан чиқиши керак.

Товар оборати ҳажмини кўпайтириш ва аҳолининг товар ҳамда маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришнинг резервларидан бири улар сифатини муҳим даражада ошириш ҳисобланади. Шаҳар саноати шаънига халқ истеъмоли моллари сифатсиз ишлаб чиқарилаётганлиги учун жуда кўплаб танқидий фикрлар айтилди. Айниқса аҳоли сут, нон-булка маҳсулотларининг сифатига кўплаб эътироз билдирмоқда, уларнинг хилларини камлигидан нолимоқда, мебель, тикувчилик буюмлари, музқаймоқ, бошқа товар ҳамда маҳсулотларнинг сифати пастлиги учун уларни ишлаб чиқарган Тошкент корхоналарига эътирозлар камаймаяпти. Ҳануза қадар савдода қадоқланган маҳсулотлар кам учрайди.

Афсуски, бу муҳим соҳадаги аҳвол ижобий томонга жуда суслик билан ўзгариб бормоқда. Мазкур беш йиллик бошланганидан бери савдо корхоналари деярли 19 миллион сўмлик товарни брак қилганлиги, саноатга 12,4 миллион сўмлик товар қайтариб юборилганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Саноат корхоналари брак маҳсулот учун 2 миллион сўм жарима тўладилар. Бундан келадиган маънавий зарар эса ундан ҳам катта. Савдо тармоқлари планни бажармаётир, харидорлар эса қониқиш ҳосил қилмаётирлар.

Бу ерда фақат битта сабаб бор. У ҳам бўлса, брак маҳсулот чиқараётганларнинг ҳамда уларни қабул қилиб, харидорларга тақлиф қилаётганларнинг масъулиятсизлигидир. Афтидан бу ўртоқлар ўзларига топширилган иш соҳаси учун ўз муносабатларини тубдан ўзгартирадиган вақт етиб келди. Бу айниқса, ҳозирги вақтда, савдо ташкилотлари 1 июлдан бошлаб хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлашга ўтадиган вақтда, ғоят муҳимдир.

Товар ишлаб чиқариш плани савдо ташкилотларидан тушадиган буюртмалар асосида шаклланади. Демак, харидорларнинг эҳтиёжларини янада чуқурроқ ва синчиклаб ўрганиш, тақдим этилаётган товарлар сифатини кузатиш зарур. Чунки савдо корхоналари фаолиятининг пировард натижаси кўп жиҳатдан ана шу омилларга боғлиқ бўлади.

— Етарли миқдорда фойда олиш учун, — деб таъкидлади Ғ. Ҳ. Мансуров, — янгича ишлашни ўрганиш лозим. Кадрларни иқтисодий фикрлашга ўргатиш керак, иқтисодий жиҳатдан савдосизликка барҳам бериш лозим. Бусиз биз кўнгилдагидек пировард натижаларга эриша олмаймиз.

Шаҳар Советининг саккизинчи сессиясида бизга саноат корхоналаридан чиққан ишга яроқли чиқиндиларни реализация қилиш бўйича магазинларни очиш юзасидан тадбирларни кўриш топширилган эди. Савдо Бош бошқармаси 37 корхона билан шартнома тузди. Чилонзор районидаги Пионер кўчасида «Ўзинг яса» магазини очилди. У аҳолининг талабларига жавоб бермоқда. Лекин 2 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳар учун битта магазин нима ҳам бўларди? Бунинг етарли эмаслиги кўриниб турибди. Биз бу борада сусткашлик қилганимизни тан олишимиз лозим. Ҳозирги вақтда биз ҳар бир районда ана шундай магазин бўлиши учун халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Шаҳарда бир қатор ихтисослашган магазинлар мавжуд. Шота Руставели кўчасида «Мода» магазини очилган. Магазинга келтириладиган товарларнинг баҳосини аниқлаш масаласи саноат корхоналари билан келишиб олинган. Лекин амалда нима бўлди, денг? Дастлабки ойларда магазин 300 минг сўмликкача товарларни реализация қилди. Бугунги кунга келиб эса унинг ҳажми деярли уч баравар камайиб кетди. Шундан кўриниб турибдики, яхши ташаббуслар қўллаб-қувватланиш ўрнига бўғиб қўйилмоқда. Ҳолбуки бундай магазинлар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида жуда кенг оммалашган. Бизда ҳам яхши газламалар, уста тикувчилар бор. Кимдир ташаббус бошлаши, социалистик омилкорлик кўрсатиши керак. Шундагина иш юришиб кетади. Афсуски, на савдо Бош бошқармасида, на Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида ва на республика Маҳаллий саноат министрлигида ана шундай киши топилмади.

Биз биринчи галда ташаббускорлик кўрсатишимиз, мавжуд муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндошувимиз керак. Чунки биз бошқаларга нисбатан аҳоли эҳтиёжларини қондиришдан, товар оборотини планининг бажарилишидан кўпроқ манфаатдордирмиз.

Кўрилаётган тадбирларга қарамай, савдо корхоналарида совет савдоси қоидаларининг бузилиш ҳоллари юз бермоқда. Бунинг оқибатида сўнгги етти ой ичида 65 киши ишдан бўшатилди, бир қатор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди, 259 тартиб бузувчи ҳақидаги материаллар кўриб чиқиш учун ўртоқлик судларига юборилди, 1788 киши эса маъмурий жазо олди.

Савдо ишининг янги шароитларида алдаш, харидор ҳақидан, тарозидан уриб қолиш, товарларни яшириш, харидорлар билан қўпол муомалада бўлиш каби салбий ҳолатларни таг-томири билан йўқотиш, айниқса мумкимдир. Чунки бу тартиб бузилишларининг ҳаммаси тармоқ корхоналари ишининг пировард натижаларини якунлаш вақтида ҳисобга олинади.

Шу муносабат билан мавжуд корхоналарда кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш ишига алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрларни ўз касбига нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш бажонидил ҳалол ишлашга ўргатиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

— Умумий овқатланиш соҳасининг ходимлари Тошкентнинг барча меҳнаткашлари билан бир қаторда белгиланган социал ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишга ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшмоқдалар, — деди **А. З. Усмонов** сессияда қилган ҳисобот докладида.

Шу йилнинг беш ойи мобайнида деярли 1700 ўринга эга бўлган 35 корхона, шу жумладан ишлаб чиқариш корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 990 ўринли 14 корхона фойдаланишга топширилди.

Сўнгги йилларда шаҳарда умумий овқатланишнинг юздан ортиқ янги ихтисослашган корхонаси ишга туширилди. Улар Тошкент аҳолиси ўртасида обрў қозониб бормоқда. Умумий овқатланиш иши режимини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Хизмат кўрсатишнинг илғор формалари тобора кенг қанот ёйиб бормоқда.

Бу ва шунга ўхшаш бир қатор бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар шу йилнинг беш ойи ичида товар оборати планини бажариш, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатининг 2 процент ортишига эришиш имконини берди. Бу шунингдек, Тошкент аҳолисига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини анчагина юқори кўтариш имконини ҳам яратди.

Шу билан бир қаторда биз бажарилган ишларга партиявий нуқтаи назардан баҳо берар эканмиз, умумий овқатланиш Бош бошқармаси, унинг тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида камчиликлар, нуқсонлар ва ечилмаган муаммолар ҳам борлигини эътироф этишимиз керак. Биз уларни яхши биламиз. Бартараф қилиш устида иш олиб боряпмиз. Лекин етарли даражада самарали ишламаяпмиз.

Биз бугунги кунда ҳар бир корхона, олий ўқув юрти, ҳунар-техника билим юрти ёки бошқа ўқув юртида ошхоналар тегишли ўрин нормативларига мувофиқ равишда ишлаётибдими, — деган саволга бир сўз билан, «Ҳали унга эриша олганимиз йўқ», — деб жавоб беришимиз мумкин. Шуни очиқ айтиш керакки, ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини иккинчи ўринга қўйётган айрим хўжалик раҳбарларига нисбатан баъзан бизда принципиаллик, собитқадамлик, талабчанлик етишмайди.

Бугунги кунда 50 та саноат корхонасидаги ошхоналар таом тайёрлаш ва овқатланиш учун санитария-техника шароитларининг энг кичигига ҳам жавоб бермайдиган биноларга жойлашди. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори П. Х. Тошмуҳамедов), «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси (бош директори Д. Ю. Юсупов), «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори Р. М. Ғуломов), «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори Е. И. Чуприн) ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Масалан, «Малика» бирлашмасидаги ошхонада мавжуд ўринлар нормативга нисбатан атиги 66 процентни ташкил этади. «Учқун» фирмасининг Собир Раҳимов районидаги бадиий ўймакорлик фабрикаси филиалидаги ошхона авария ҳолатида, бу ерда ишчиларнинг атиги 35 проценти овқатланиши мумкин.

Бизнинг вазифамиз бу бошқа саноат корхоналарининг хўжалик ҳамда касаба союз органлари билан ҳамкорликда ишчиларни овқатлантиришни ташкил этиш масалаларини ҳал этишни тезлаштиришдан иборат. Район Советларининг ижроия комитетлари бу муҳим социал проблемаларни ечишга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Республика пойтахтида умумий овқатланиш корхоналарининг ҳаммага манзур тармоғини ривожлантириш ҳам орқада қолмоқда. Бутун шаҳар бўйича унинг таъминланиши атиги 45 процентни ташкил этади. Ҳамза, Акмал Икромов, Собир Раҳимов каби районлардаги таъминланиш умумшаҳар даражасидан икки-уч баравар пастдир.

Ҳамма овқатлана оладиган тармоқларни ривожлантириш масалалари 1988 — 1990 йиллар учун тузиладиган планларни шакллантириш вақти кўриб чиқилиши, аҳолига хизмат кўрсатиш савиясини ошириш зарур.

Бу камчиликлар учун биз маҳаллий матбуот саҳифаларида бир неча марта ҳақли равишда танқид қилиндик, — деб давом этди А. З. Усмонов. — Шаҳар аҳолиси ҳам мана шу тўғрисида хат ва шикоятлар йўллаб турибди. Масалан, «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 30 май сонида босилган «Баднафсликнинг ҳиди чиқди» сарлавҳали мақола босилиб, унда «Коинот» ресторанининг иши кескин, ҳақли равишда танқид қилинди. Шаҳримиздаги энг катта ресторанлардан бири бўлган бу ерда харидорларни алдаш, таом тайёрлаш ва фирмали ичимликлар тайёрлаш технологияси бузилганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Биз бу ҳолга жиддий баҳо бердик. Ресторан директори, унинг ўринбосари, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, ошпаз, бармен, зал мудири ва бошқа ходимлар ўз вазифасидан бўшатилди, айримларининг иши эса тергов органларига юборилди.

Бу кўзга кўриниб турган воқеа. Лекин умумий овқатланиш Бош бошқармаси, ресторанлар трестининг масъул раҳбарлари ўзларининг тасарруфидаги корхона фаолияти устидан назоратни таъминласалар, ўзларига ҳамда бўйсунувчи кишиларга нисбатан талабчанликни оширсалар, бундай воқеалар юз бермаслиги мумкин эди.

Шаҳардаги умумий овқатланиш барча корхоналари ва ташкилотлари давлат плани ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун биз ҳамма тадбирларни амалга оширдик, дея олмаймиз. Беш ойлик план якунига кўра товар оборотини 70 та ташкилот бажармади. Бу умумий миқдорда 0,5 миллион сўмни ташкил этди. Сергели ошхоналар трести, тўқимачилик комбинатининг ишчи таъминот бўлими, 1-НОДнинг ишчи таъминот бўлими, «Олимпия» ресторани ва бошқалар планни уддалай олмадилар.

Хусусий ишлаб чиқариш маҳсулотларини етказиб бериш планини ҳамма корхона ва ташкилотлар бажарди, деб бўлмайди. Октябрь ва Ҳамза районларининг ошхоналар трестлари, «Москва» ресторани ва бошқа бир қатор ташкилотлар қолоқликка йўл қўйдилар.

Бундай аҳволнинг сабаби шуки, қайта қуриш ҳали бу трест ва ташкилотларнинг раҳбарларига етиб борганича йўқ, умумий овқатланиш Бош бошқармасининг раҳбарияти, биринчи галда Бош бошқарманинг раҳбари сифатида мен план бажарилмаслик сабабларини, мавжуд резерв ва имкониятларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланишни чуқур таҳлил этишни талаб қилганимиз йўқ. Ҳолбуки, бундай резервлар мавжуд. Уларни излаб топиш ҳамда фойдаланишда фақат ташаббускорлик ва ижодий ёндошув керак.

Давлат планларини ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, Тошкент аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш учун шахсан масъул эканлигимизни яхши тушунамиз. Бундан буён ҳам ана шу борада тинмай иш олиб бораверамиз.

« Ташплодоовощпр о м » бирлашмаси бош директори вазифасини ижро этувчи **Қ. Т. Умаровга** сўз берилди.

— Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда картошка билан таъминлашда мавжуд бўлган жиддий камчиликлар учун бизни ҳақли равишда танқид қиладилар, — деди у. — Ўтган йили биз картошка, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини бажара олмадик. Буларнинг ҳаммаси аҳолини таъминлашга салбий таъсир кўрсатди. Шаҳар бозорларида шу маҳсулотларнинг нархи ошиб кетишига сабаб бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Шаҳар партия комитети пленуми олдидан

ХАЛҚЛАР ТЕНГЛИГИ ВА ДЎСТЛИГИ ТАРОНАЛАРИ

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ўз моҳияти билан прогрессив ҳодиса эди. Шу процесс туфайли Ўрта Осиёдаги тарқоқ хонликлар тугатилиб, ўзаро урушларга барҳам берилди, иқтисодий ва маданий ҳаётда жонланиш рўй берди. Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан кейин бу ерга аста-секин рус маданияти, илму фани, адабиёти кириб кела бошлади. Чор Россиясининг сиёсати ўлкада реакцион урфодатлар, анъаналарни сақлаб қолиш, халқлар ўртасида миллий адоватни кучайтиришга қаратилган эди. Лекин шунга қарамай Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши, халқлар маданиятининг ўзаро таъсири натижасида ҳаёт тартибида, кишилар психологиясида ижобий ўзгаришлар бўлдики, бу жумладан, диний маслаги бошқа ўзга миллат вакилларига нисбатан муросасизлигининг йўқола боришида кўринди. Илғор маданият намоёндалари — Фурқат, Сатторхон, Анбар отин, Нозимахоним ва бошқалар илғор рус маданияти ўзбек халқи ҳаётида ўйнайдиган ижобий ролини тушуниб, ўз асарларида унн мадҳ қилдилар, ўзга миллат вакилларидан ўрнак олишга, улар билан дўстлашиб, маданиятларидан баҳра олиб, ўз маданятини ривожлантиришга чақирдилар.

Ўз халқи ва Ватанига чексиз муҳаббат, ўзга халқларга ҳурмат каби хислатлар Анбар отин (1870-1915) ижодининг муҳим хусусиятларидандир. Анбар отин таниқли шоира Дилшод (Барно) мактабида таълим олди, тезда ўзининг заковати, таланти билан халқ орасида ҳурмат қозонди. Шоира камбағал, ҳақ-ҳуқуқсиз мазлума аёлларнинг бутун руҳий фожиаларини, эрк ҳақидаги орзу-умидларини, юксак инсоний идеалларни куйлаш билан бир қаторда жамиятдаги салбий ҳодисаларни кескин фош қилди, социал зиддиятлар ҳақида дадил гапирди, идеалистик нуқтаи назардан бўлса ҳам, ислом ақидаларини инкор қилиб, халқлар дўстлигига раҳна солишга уринган дин намоёндаларига қарши чиқди. Шоиранинг дадил фикрлари ёқмаган рақибалари «ҳақни айтиб балога қолган» Анбар отинни баланд зинадан итариб юборадилар, натижада Анбар отининг икки оёғи синиб, кейинчалик шол бўлиб қолди. 6 йилдан ортиқроқ тортган оғир жисмоний азобларига қарамай, Анбар отин руҳини туширмайди, ҳаётга бўлган қизиқишини, муҳаббатини йўқотмайди, ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришларини зўр қизиқиш билан кузатади, уларга ўз муносабатини асарларида қайд этади.

Бизга Анбар отининг 90 га яқин шеърлари ва шоранинг мавжуд социал ҳаёт, келажак замон ҳақидаги мулоҳазаларини ифодалаган «Қаролар фалсафаси» асари етиб келган.

Анбар отин рус маданияти ва адабиёти янгиликларидан ўзини даволаётган рус доктори ва дўстлари Клава, Анусялар орқали хабардор бўлиб турган, рус маданияти халқига катта фойда келтиришига ишониб, рус ва ўзбек халқи ўртасида вужудга келган ҳамкорлик ва дўстликни чин юракдан қутлаган:

Қўшилиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди,
Ўрус ўзбек элига бир туғушгандек ағо бўлди.
(Анбар отин. Шеърлар. Рисола. 1970, 27-бет).

Билимсиз табиблар, «нафаси ўткир» домлаларнинг шифо топа олмаган шоира илғор рус маданиятига умид билан қарайди, мавжуд адолатсиз тузумни ўзгартириш учун ҳам «ўруслар ила мустаҳкам алоқа қилмоқ лозим» деб таъкидлайди.

Шоиранинг фақат рус халқигагина эмас, турли халқ вакилларига ҳурмат билан қараш, кишиларнинг миллатидан қатъий назар, аввало инсоний шарафини улуғлаш шиорлари интернационал ғоялар тараннумига айланди. Анбар отин ирқий камситишни қоралаб, ўзининг «Қаролар фалсафаси» асарида алоҳида бир бобни қора танли халқларга бағишлайди, уларнинг оқ танли «аслзодалар» томонидан эксплуатация қилинишини қоралайди, қора танлилар ҳақида ҳурмат билан шундай ёзади: «Аксар Жануб ва Шарқ халқлари монанди Араб, Эрон, Афғон, Ҳинд ва Кашмир халқлари қаро юз, оқ кўнгул халойиқ эрурлар. Ул халойиқ аслзода оқ танлар каби андом, аъзойи бадан, қўл-оёқ, тил, кўз ва ақл-ҳуш, ғайрат, қувват ва тафаккурга моликдурлар... Қаролар бордурларки, алар ўзлари қаро бўлғонлари ҳолда маърифат нурлари сийратларида тўладир... (Анбар отин. Шеърлар. Рисола, 1970, 83-84-бетлар).

Чор Россияси ва ислом дини руҳонийлари ўлкада қасддан маҳаллий халқ ва рус халқи ўртасида миллий адоватни, ирқий тенгсизликни тарғиб қилаётган бир вақтда Анбар отиннинг рус халқи билан алоқани мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрлари, интернационал ғоялари ўз даври учун катта жасорат бўлиб, бизнинг кунларимизда ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Д. НИҒМОНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.

Сайловлар арафасида

ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Сайловолди кампаниясининг энг масъулиятли даври давом этяпти. Агитпунктларда меҳнаткашлар ўз номзодлари билан учрашувлар ўтказишяпти. Бу учрашувларнинг ҳар бири қизғин баҳсга айланмоқда. Сайловчилар дилдаги гапларини рўй-рост айтиб камчилик ва нуқсонларни ҳал этиш учун наказлар беришяпти.

Сергели районидаги 18-сайлов участкасида бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шундай баҳсли ва қизиқарли ўтди. Сайловчилар 90, 91, 92-сайлов округларидан район Советига депутатликка номзодлар — Сергели район ижроия комитети раисининг ўринбосари, район план комиссиясининг раиси Дилшод Аҳмедов, Тошкент резина-техника заводининг ишчилари Малика Асомова ва Ҳаким Мансуровлар билан учрашдилар.

«Маданият» маҳалласи аҳолиси номидан сўзга чиққан ўртоқлар маҳаллада янги болалар боғчаси қуриш, Чоштепа кўчаси орқали троллейбус линиясини ишга тушириш, сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи магазин очиш кераклиги ҳақида гапиришди.

Номзодлар сайловчиларнинг ишончлари учун ташаккур билдириб, ўртага ташланган масала юзасидан барча чораларни кўришга сўз бердилар.

Бу тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтказилганлиги агитпунктда сайловолди ишларининг кўнгилдагидек ташкил этилганлигидан далолат беради.

— Участкамизда 57 нафар сиёсий тарғиботчи 2 мингдан зиёд сайловчи ўртасида фаоллик кўрсатяпти, — дейди агитпункт мудири Роберт Абдуллаевич Ягофаров. — Педагог-агитаторларимиздан Моҳира Илҳомова, Наталья Виниҳина, Малика Мамадалиева, Салима Латипова, «Минмебельпром»нинг ремонт қурилиш бошқармаси партия ташкилоти секретари Валерий Андрянов, техника хавфсизлиги инженери Любовь Копитовалар баракала ишлашди. Агитпунктимизни Тошкент резина-техника заводи оталиққа олиб, керакли ёрдам кўрсатди.

Дарҳақиқат, бу ерда ҳамма нарса 21 июнга тахт қилиб қўйилган. Жиҳозланган хоналар сайловчиларни кутмоқда.

Ш. САЙДАМАТОВ.



Эл ишончини оқлаш, одамларнинг талаб-истакларини қондиришдан ҳам шарафли иш йўқ. Олег Андреевич Ефименков бир неча йилдирки, мана шу эзгу ишга муносиб улуш қўшиб келмоқда. У халқ депутатлари Чилонзор район Советининг депутати сифатида сайловчилар наказларини сидқидилдан адо этаётир. Тошкентдаги ирригация бўйича махсус Давлат конструкторлик бюросининг илғор чархловчиси номзоди бу галги сайловда ҳам район Совети депутатлигига яқдиллик билан кўрсатилди. Ҳамкасблари унинг учун энди учинчи марта овоз берадилар.

СУРАТДА: тажрибали мураббий ишчи О. А. Ефименков иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

МОНТАЖЧИЛАР ЮТУҒИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақанн кенг йўлга қўйган 3-уйсозлик комбинати 2-монтаж бошқармасининг Ҳурмат Белгиси орденн кавалери Ўрмон Закиров етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили ярим йиллик меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда.

Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном эгалари май ойига планлаштирилган 140 минг сўмлик ўрнига 170 минг сўмлик иш бажаришди.

Коллективда шахсий меҳнат беллашуви кенг авж олган. Бригаданинг Э. Худойназаров, Я. Мусин, С. Сайфулин, А. Бобоев, К. Муллаянов каби илғорлари ойлик топшириқларини 2692 сўм ўрнига 2760—2800 сўмлик бажариб, шахсий беллашув ғолиблигини қўлдан бершмаётир. Шу кунларда бригада аъзолари Юнусобод массивининг 9-кварталида бунёд этилаётган 108 оилага мўлжалланган 9 қаватли турар жой биносида монтаж ишларини олиб боришмоқда.

— Коллектив бригада пудрати асосида меҳнат қилишга биринчилардан бўлиб ўтган, — дейди участка мастери И. С. Есеркеченов. — Турли миллат вакилларидан иборат бригада Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейига икки йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олган.

Д. ОБЛАЕВ.

ЯНГИ МАШИНАЛАР

Елгава заводи коллективи бу йил пландан ташқари «РАФ» маркали қулай, кичик автобуслардан минг дона ишлаб чиқаришга аҳд қилиб, меҳнат қилмоқда. Ана шу машиналардан 70 таси Тошкентдаги 2-маршрутли такси корхонасига юборилади.

Мана ўн йилдирки, «РАФ—2203» маркали таксилар шаҳримиз кўчаларн бўйлаб йўловчилар ҳожатини чиқармоқда. Корхонанинг Н. Журбин, В. Дятлов, И. Гошин каби илғор ҳайдовчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини икки йиллик планни бажариш билан кутиб олишмоқчи.

Яқинда Елгава заводининг вакилларн 2-маршрутли такси корхонасида бўлишди. Корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари П. И. Борискин ва бош конструктор ўринбосари Л. И. Шеин ҳайдовчилар билан суҳбатлашиб, улар «РАФ» машиналари ҳақидаги таклифларнинг ёзиб олишди.

— Ҳозир Латвиядаги завода, — дейди 2-маршрутли такси корхонасининг директори Р. Файзуллаев, — қулай машинанинг янги моделн ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу машина олдингиларидан бутунлай фарқ қиладн.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Объективда—ГДР



СУРАТДА: Берлиндаги Трептов боғида.

С. Метелицн фотоси, ТАСС фотохроникаси.

СССРда Ҳиндистон фестивали қатнашчилари билан учрашув

ДЕҲЛИ. СССРда Ҳиндистон фестивали — катта дўстлик байрамига тайёргарлик ниҳоясига етмоқда. Байрамда 1600 дан ортиқ ҳинд артистлари иштирок этадилар. Мамлакатнинг турли штатларида жамоатчилик энг яхши кишилардан иборат ўз вакилларн билан учрашмоқда. Улар совет кишиларини ҳинд халқининг анъаналари ва маданияти, тарихи ва ҳозирги куни билан таништирадилар. Кеча Тамилнад штатининг маъмурий ва маданий маркази бўлган Мадорас аҳолиси ҳам ўз юртдошлари билан учрашувга келди. Мадорас СССРга 12 та ижодий коллективни йўлламоқда.

«СССРда Ҳиндистон ва Ҳиндистонда СССР фестивалларн икки дўст халқ ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама янада ривожлантиришга кўмаклашади, — деди учрашувда Тамилнад штатининг губернатори С. Л. Кхурана. — Бу тадбирлар мамлакатларимиз икки шонли санани — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги билан Ҳиндистон мустақилигининг 40 йиллигини кутиб олаётган шароитда алоҳида аҳамият касб этади». С. Л. Кхурана фестивалларнинг ўтказилиши 1971 йилда тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан Ҳиндистон мустаҳкамланган Совет—Ҳиндистон мустаҳкам алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим палла бўлади, деб таърифлади. «Совет Иттифоқи билан дўстлик айниқса Ҳиндистон учун оғир кунларда синовдан ўтди. Шунинг учун ҳам бу дўстликни ҳинд халқи жуда қадрлайди, — деб таъкидлади губернатор. — СССР — бегараз ва ишончли дўстимиз, у Ҳиндистон суверенитетини ва унинг мустақил ривожланишини ҳурмат қилади».

Учрашувда сўзга чиққан таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари ўз вакилларига СССРда Ҳиндистон фестивали Совет—Ҳиндистон дўстлигининг унутилмас байрамига айланиши учун барча ишни қилишлари тўғрисида наказ бердилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Шу йил 3 июнь куни Прагадаги Олшан қабристонида ваҳшийликдан иборат мудҳиш иш қилган жиноятчилар бу ерда қамоққа олинди. Ана шу қабристонда Чехословакия озодлиги учун ўз жонини фидо қилган совет жангчилари, шунингдек болгар антифашистлари дафн этилган. ЧТК агентлигининг хабар қилишича, илгари судланган икки шахс шу жиноятни қилганлигини тергов давомида исботланди.

● НЬЮ-ЙОРК. БМТнинг апартеидга қарши махсус комитети халқаро ҳамжамиятни ЖАРдаги шармандали апартеид системасини тугатиш учун, ирқчиларнинг жиноий режимига қарши хавфсизлик кенгаши кенг қамровли мажбурий жазо чораларини дарҳол жорий этиши учун курашда куч-ғайратларни сафарбар қилишга даъват этди. Махсус комитет Жанубий Африканинг курашаётган халқи билан халқаро бирдамлик куни арафасида берган баёнотида Претория режими мамлакатнинг қора танли аҳолисига қарши ёвузларча, репрессияларни кучайтираётганлиги, қўшни мустақил давлатларга қилинаётган агрессив хужумлар тўхтовсиз давом этаётганлиги оқибатида ЖАРдаги аҳвол жуда кескин кучайиб кетганлигини уқдирди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон билан Шри-Ланка Жафна ярим оролида Тамил аҳолисига Ҳиндистон ҳукуматининг ёрдам бериш тўғрисидаги битимга эришдилар. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили жуда яқин вақт ичида шундай ёрдам берилишини маълум қилди. Ҳиндистон ҳукумати, деди у, Жафна аҳолисини барча зарур нарсалар билан таъминлаш ниҳоятда зарур эканлигига неча марталаб эътиборин жалб қилди ва шу мақсадда Шри-Ланка ҳукумати билан музокаралар олиб борди.

● ЛОНДОН. Гватемала пойтахтидан атиги 30 километр нарида жойлашган Ракайя вулқони уйғонди. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, ёнғиннинг оғзидан жуда кучли лава оқимлари отилиб турибди. Вулқон чиқариб ташлаётган жуда кўп миқдордаги қурум унинг атрофидаги жойларни қалин қатлам билан қоплади. Маъмурлар вакилининг хабар қилишича, Ракайя яқинида жойлашган Каракол шаҳарчасидан аҳолининг ҳаммаси шошилинч равишда кўчириб олиб кетилган. Табиий офат районида қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етган.

САВДО ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

(Охири. Боши 1 ва 2-бетларда).

Тошкент областидаги айрим хўжаликларнинг ассортимент бўйича маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятни бажармаганликлари каби фактни эътиборга олиш мумкин эди. Ҳа шундай бўлди. Лекин «Ташплодоовошчпром» бирлашмасининг вазифаси шартномалар бажарилишини, келтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини кузатишдан, бу масалаларни тартибга солишдан, қонунда кўзда тутилган жарима санкцияларини қўлланишдан иборат. Шундай ҳам қилинди, лекин бу иш етарли даражада асосли олиб борилмади. Акс ҳолда тақдим этилган 677 минг сўм жаримадан 514 минг сўмини арбитраж бекор қилганлигини, атиги 103 минг сўми қабул қилинганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бу бизнинг ишимиздаги жуда катта камчиликдир. Бинобарин, биз мазкур масалаларни оператив равишда ҳал этишимиз зарур. Асосий мақсад — мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш планини миқдор жиҳатидангина эмас, сифат жиҳатидан ҳам бажарилишига эришиш ва реализация қилинишини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда биз шаҳар Советининг VIII сессиясида айтилган камчиликларни бартараф қила олмадик. Аҳоли сифат масаласида мутлақо ҳақли равишда шикоят қилмоқда. Кўпгина магазинларда сабзавот— картошка, мевалар амалда сараланмайди. Айрим магазин ва сабзавот дўконлари иш режимини бузмоқдалар. Улар антисанитария ҳолатидадир.

Буларнинг ҳаммасига асосий сабаб «Ташплодоовошчпром» бирлашмаси раҳбарлари томонидан бир қатор хўжалик раҳбарларини контрол қилишга, ўзларига топширилган ишга бефарқ қараш каби масъулиятсизлик оқибатидир. Коллективларда кадрлар билан ишлаш ва сиёсий тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Буларнинг ҳаммаси пировардида планнинг бажарилмаслигига, совет савдоси қоидаларининг бузилишига ва бошқа салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Шу йили бирлашмага қарашли савдо тармоқларида ўтказилган 648 текшириш вақтида назорат органлари ҳамда идора контроллёрлари 424 ҳолатда ҳар хил тартиб бузилишларга йўл қўйилганлигини аниқладилар. Текшириш материаллари бўйича тўрт киши жиноий жавобгарликка тортилди, саккиз кишининг иши тергов органларига юборилди, ҳаммаси бўлиб 300 дан зиёд кишига интизомий чора кўрилди.

Бирлашмада социалистик мулкни сақлаш иши ҳам ёмон аҳволда. Шу йилнинг бошидан буён деярли 48 минг сўмлик камомадга йўл қўйилди. Бу камчиликларни бартараф этиш тўла ва батамом бизнинг зиммамиздадир ва биз уларни бартараф қилишга интиламиз.

Бирлашмада ишлаётганларнинг 44 процентдан кўпроғи хотин-қизлар, 46 процентдан зиёди ёшлардир. Бироқ биз уларнинг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилаш масалалари билан етарли даражада шуғулланмаяпмиз, бу эса кадрлар қўнимсизлигига олиб келмоқда. Бу борада бирлашмада муайян тадбирлар ишлаб чиқилган, уларнинг бажарилиши қўл меҳнатини камайтиришга ва кадрларнинг муқим ўрнашиб қолишига ёрдам беради.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтишни истар эдик, — деди пировардида К. Т. Умаров. — Гап омборхоналар қурилиши устида бораяпти. Бугунги кунда улар етишмаётганлиги ҳаммага маълум. Жорий беш йилликда давлат агросаноат комитети йўли билан 58,5 минг тонна маҳсулот бир вақтнинг ўзида сақланишига имкон берадиган омборхоналар қурилиши керак эди. Бу йил Хасково посёлкасида 3 минг тоннага мўлжалланган омборхона ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Беш йилликнинг охиригача планлаштирилган барча объектлар ишга туширилиши учун бу масалага ғоят жиддий эътибор берилиши керак.

Бу масалаларнинг ҳал этилишида биз маҳаллий Советларнинг, республиканинг тегишли министрликлари ва идораларининг амалий ёрдамига муҳтожмиз.

Шуни эътироф этиш керакки, биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика министрлар Совети маҳаллий партия ва совет органлари кўрсатган катта ёрдамдан етарли самара билан фойдалана олмадик, меҳнат коллективларини аҳолига савдо хизматини такомиллаштириш соҳасида қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар эта олмадик.

Ҳозирги вақтда «Ташплодоовошчпром» бирлашмаси раҳбар кадрларини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини яхшилашга доир бошқа масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

ДЕПУТАТЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР, МАСЛАҲАТ БЕРАДИЛАР, ТАНҚИД ҚИЛАДИЛАР

Қадоқлаш ва жойлаб ўраш ускуналари тажриба-конструкторлик бюросининг директори П. Ф. КУЛИЧЕНКОВ нутқидан

— Савдо ва умумий овқатланишни ташкил этишда, фан-техника янгиликларини жорий этишда, барча савдо жараёнларини рационализациялашда, хизмат маданиятини ошириш, социалистик мулкка ҳалол муносабатда бўлиш юзасидан кадрлар билан иш олиб боришда яхшиланиш сари сезиларли силжиш бўлгани йўқ. Буни исботлаш учун ўнлаб мисоллар келтириш мумкин, аммо республика, область ва шаҳар матбуоти пойтахт савдосини қаттиқ танқид қилганлигини сизлар яхши биласизлар.

КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан халқ фаровонлигини оширш программасига мувофиқ 20 кундан кейин пойтахт савдоси хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтади. Гап мустақилликни кенгайтириш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш негизида корхоналар ва ташкилотлар хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш асосида савдо тармоғи меҳнат коллективларининг пировард иш натижаларидан, аҳолига ҳизмат кўрсатиш маданиятини оширишдан манфаатдорлигини ва жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида бормоқда.

Бунга шаҳарда қандай тайёргарлик кўрилди, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари бу ўзгаришларни сезишлари учун ҳамма иш қилиндими? Шаҳардаги кўпчилик савдо ташкилотларида ҳали аниқланмаган, ҳал этилмаган масалалар бор, ҳар бир коллективнинг янгича шароитда иш олиб боришнинг аниқ программаси йўқ. Планлаштирувчи органлар ва молия органлари, банклар, меҳнат давлат комитети бу тайёргарликка фаол таъсир ўтказмаяпти, савдо соҳасига ёрдам кўрсатмаяпти. Аммо ўз одатларига кўра, июль ойи ишлари якунлари юзасидан айбловчи бўлиб майдонга чиқадилар.

Ҳисоб берган ҳар уч бошқарма қолган вақт ичида яна бир мушоҳада қилиб кўришлари, кўп проблемаларни ҳал этишлари лозим. Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 1982 йил 8 июлдаги қарори билан Тошкент шаҳари суди раис, икки ўринбосар, 25 суд аъзоси ва 480 халқ маслаҳатчиси составида сайланган эди.

1985—1986 йилларда шаҳар судининг штати 7 ходим билан тўлдирилди ва ҳозир 32 кишидан иборат. Ўтган беш йил ичида суд состави анча янгиланди, мен 1985 йил 20 мартдан унга раислик қилмоқдаман, 1985 йил октябрида икки ўринбосар ва суднинг ўн аъзоси алмаштирилди.

Шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажара бориб, қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликка қарши шафқатсиз кураш олиб бордилар, савдо, транспорт, қурилиш, маҳаллий саноатда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида социалистик мулкни талон-тарож қилувчилар, порахўрлар группаларини фош қилиб ташладилар. Шуни таъкидлаш зарурки, оғир жиноятларнинг баъзи турлари учун суд қилиш камайиб бормоқда. Айбни оғирлаштирувчи вазиятда атайлаб қилинган қотиллик учун 1986 йилда 1983 йилдагига нисбатан ҳукм кам чиқарилди.

1986 йили айбни оғирлаштирувчи шароитда номусига текканлик учун 1983 йилдагига нисбатан 22 киши устидан кам ҳукм чиқарилди.

Шу билан бирга давлат ва жамоат мулкини кўп миқдорда ўғирлаганлик учун суд қилиш 1986 йилда олдингги йилларгагига нисбатан 3—4 баравар ортди.

Бундай аҳволнинг асосий боиси шундаки, партия ва совет органлари жиноятчиликка қарши курашни кучайтирдилар. Халқ судлари қарорлари устидан шикоятлар ва кассацион ва назорат тартибидаги эътирозларни кўриб чиқиш анча кўпайди, ишларни кўриб чиқиш муддатлари бир мунча қисқарди.

Бироқ биз қуйи суд органлари томонидан йўл қўйилган ҳамма қонуннинг бузилиш ҳоллари ишларни кассацион тартибда кўриб чиқиш чоғида тўғриланадиган аҳволга эришганимиз йўқ. Шаҳар суди коллегияси халқ судларининг айрим нотўғри ҳукмларини ўз кучида қолдирмоқда.

Ҳали шундай фактлар ҳам борки, кўпгина ишлар юзасидан йўл қўйилган хатолар, қонун нормаларини бузиш ҳоллари суд назорати тартибида шаҳар суди раиси, шаҳар прокурори, Олий суд раиси, республика прокурори ва уларнинг ўринбосарлари эътирозлари асосида шаҳар суди президиумида тўғриланмоқда.

Масалан, Собир Раҳимов район халқ судининг 1985 йил 4 февралдаги ҳукми билан КПСС аъзоси Долерес Бердиева Ўзбекистон Жиноят кодекси II-қисми 150-моддаси билан икки йил озодликдан маҳрум этилди, шаҳар судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси 1985 йил 21 мартда жазонинг ярмини камайтирди ва ҳукмни кучда қолдирди.

Шаҳар суди раисининг эътирозига мувофиқ, президиумнинг 1985 йил 25 ноябрдаги қарори билан суд қарори бекор қилинди ва қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилди. Ўзбекистон ССР прокуратураси тергов ўтказиб, жиноят составини йўқлиги сабабли Бердиевага нисбатан қўзғатилган ишни 1986 йил 4 ноябрда тўхтатди. Бердиева КПСС аъзолари сафига тикланди.

Халқ судлари ҳукмларининг кўпгина бекор қилинаётганлигини икки сабаб билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, шаҳар суди халқ судларининг хатоларига янада принципиаллик билан ёндашадиган бўлиб қолди.

Ишимиздаги нуқсонларнинг иккинчи асосий сабаби шундан иборатки, айрим суд аъзолари ва халқ судлари ўзларининг хизмат бурчларини бажаришга совуққонлик билан муносабатда бўлмоқдалар, қонунга яна бир бор кўз ташлаб қўйишни хоҳламаяптилар, баъзан эса уни тўғри қўллай олмаяптилар.

Шаҳар халқ судлари ўз иш услублари ва методларини ҳали ҳам қайта қурганлари йўқ, уларнинг фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳамон йўл қўйилмоқда, ижро интизоми ва ташкилочилик интизоми пастлигича қолмоқда. Кўпгина судларда жиноий ишлар ва граждан ишларини ўрганиш, тайёрлаш ва кўриб чиқиш тўғри ташкил этилмаган, судга қадар тайёргарлик кўрилмайди, суд мажлисларида эса иш юзаки кўриб чиқилади, ундаги материаллар чуқур тадқиқ этилмайди, тўпланган далиллар тегишлича таҳлил қилинмайди, оқибатда ғайри-қонуний ва асоссиз суд қарорлари қабул қилинмоқда. Бунинг натижасида айрим ишлар қайта-қайта кўриб чиқиляпти.

Одил судловни амалга ошириш сифати Куйбишев, Ҳамза, Киров ва Сергели район халқ судларида айниқса паст, бу районларда чиқарилган суд қарорларининг анча қисми бекор қилинмоқда ва ўзгартирилмоқда. Ишларни кўриб чиқиш чоғида сансалорликка йўл қўйилмоқда, ижро интизоми ҳам бўш.

Судларнинг собиқкадамлик билан аниқ ишлашлари кўп жиҳатдан раисларга боғлиқ. Раис ишни тўғри ташкил этган жойларда олий судлов сифати қонида тарзида юқори бўлмоқда, сансалорликка йўл қўйилмаяпти, уларнинг ишлари юзасидан граждан-лар камдан-кам шикоят қилмоқдалар.

Мен Куйбишев, Ҳамза, Киров ва Сергели районлари халқ судларининг иши ғоят сифатсизлиги билан ташвиш туғдираётганини айтдим. Бундай аҳволга шу нарса олиб келдики, Киров район судининг раиси Р. Х. Акбаров, собиқ суд раислари А. А. Тангабоев ва Н. И. Шумарин судларнинг ишини тегишли тарзда ташкил эта олмадилар, ходимларни контрол қилиб бормадилар, амалий фаолиятда ўзлари намуна кўрсатмадилар.

Биз бу ўртоқларга нисбатан қаттиқ чора кўрдик, аммо мен бу чораларни адолатли деб ҳисоблайман. Р. Х. Акбаров жазоланди. И. И. Шумарин билан А. А. Тангабоев муддатидан олдин раислик вазифасидан бўшатилди, бунинг устига Тангабоев навбатдаги ваколат муддатига халқ судьялигига сайлаш учун тавсия қилинмади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шаҳар судининг аъзолари Косирева ва Рахматуллаева, Тошқориева, Қобилова, Евченко, Абдуллаев, Васильева ва бошқалар кўпинча ишнинг юзаки ўрганилишига йўл қўймоқдалар. Бу эса юқори органлар суд қарорларини бекор қилиши ва ўзгартиришига олиб келмоқда. Биринчи инстанцияда жиноий ва граждан ишларни кўриб чиқиш чоғида сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Ишларни маҳкум этилганларнинг, адвокатлар жабрланувчилар, даъвогарлар ва жавобгарларнинг кассацион шикоятлари билан юқори органларга жўнатишда ҳам сансалорлик фактлари тугатилгани йўқ. Суд қарорларини ўз вақтида ижро этмаслик ва гражданлар шикоятларини вақтида ҳал қилмаслик мавжуд.

Бу фактлар суд ишида туб қайта қуриш бошланмаганлигидан далолат беради. Раис ўринбосарлари А. С. Овсенюк ва У. И. Набиев коллегия аъзолари ишини етарли контрол қилишмаяпти, уларнинг ишини тегишлича ташкил этишмаяпти, белгиланган тадбирларни амалга оширишда пассивлик қилишяпти.

Мен ҳам суд ишини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўрмаганлигимни, шаҳар судининг раиси сифатида қабул қилинган қарорларни амалга оширишда ҳамиша ҳам принципиаллик ва изчиллик кўрсатмаганлигимни тан олишим керак.

Бироқ бу ишда ҳамма нарса судларга боғлиқ эмас. Дастлабки тергов пировард натижага жуда катта таъсир қилади. Лекин у, афсуски, жуда паст савияда бўлиб, судлар тергов хатоларини тугатишларига, тергов ишларини ўтказишларига тўғри келмоқда, бу хатолар баъзан судлар томонидан вақтида тузатилмаяпти, бу эса пировард натижада ҳукмнинг бекор қилинишига олиб боради.

1987 йилнинг тўрт ойи давомида судлар саккизта иш юзасидан 9 нафар шахсга нисбатан оқловчи ҳукм чиқардилар. Бундан ташқари шаҳар суди икки кишига нисбатан қўзғатилган ишни бекор қилди. Шундай қилиб, ўн бир киши асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган.

Социалистик қонун ва қуқуқ-тартиботни, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган иш ҳар бир мансабдор шахснинг, ҳар бир гражданнинг ишига айланган тақдирдагина сезиларли натижа беради.

7-кўприксозлик трестига қарашли 13-кўприксозлик отрядида трактерчи бўлиб ишлаган В. Мороз оғир жиноят қилганлиги учун Тошкент шаҳар суди томонидан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ана шу ишни кўриб чиқиш чоғида кўприксозлик отрядидаги мансабдор кишилар меҳнат ва уй-жой қонунларини қўпол равишда бузганликлари, бу эса юз берган жиноятнинг сабабларидан бири бўлганлиги аниқланди. В. Мороз кўп марта ишга ичиб, маст бўлиб келган, прогул қилган, ГАИ ходимлари ундан кўп марта тракторни тортиб олганлар. 1986 йил 14 ноябрга ўтар кечаси Мороз кўприксозлик отрядида навбатчиликда турганида (шу куни унинг хотини навбатчи бўлиши керак эди) ичкилибозлик қилган, сўнгра объектни қаровсиз ташлаб, уйига кетган. Ўша тунда қўшни квартирага кириб, Сергели ва Акмал Икромов районларида кўринади.

Ишлаётган ўсмирлар асосан давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, талончилик, ашаддий безорилик, наркотик моддаларни истеъмол қилиш каби жиноятларни содир қилмоқдалар. Ишлаётган ёшлар контингенти ўртасида жиноятчилик кўплигининг асосий сабабларидан бири жойларда, меҳнат коллективларида тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги жиддий нуқсонлар, иш жойида ҳам, бўш вақтда ҳам улар ёмон контроль қилинаётганлигидир.

Х. Сулаймонова номидаги суд-экспертизаси институтининг директори Б. И. ПИНХАСОВ нутқидан

— Шаҳар суди фаолияти билан танишиш 1987 йилда жиноий ва граждан ишларини кўриб чиқиш сифати яхшиланганлигини кўрсатмоқда. Судлар жазони тайинлашга табақалаштирган ҳолда ёндошмоқдалар. Улар оғир жиноят қилган кишиларга, ашаддий жиноятчиларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини белгилашни давом эттириш билан бирга озодликдан маҳрум этиш билан боғланмаган жазо чораларини кўпроқ тайинлайдиган бўлиб қолдилар.

Жиноий ва граждан ишлари бўйича кассация коллегиялари шикоятлар ва протестларни ҳал этишга янада жиддийроқ ёндошмоқдалар, судьялар йўл қўйган хатоларни тўғрилашга уринмоқдалар.

Шаҳар суди асоссиз равишда қамоққа олиш, гражданларни ғайри-қонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш фактларига нисбатан кескинроқ жавоб қайтарадиган бўлиб қолди. Ниҳоят судлар асос бўлган ҳолларда ўзлари оқловчи ҳукм чиқара бошладилар.

Шаҳар судининг халқ судлари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим масалалари юзасидан қилган умумлашмалари ҳам ижобийдир. Масалан, 1987 йилда Тошкентдаги район халқ судларининг харидорлар ва буюртмачиларни алдаш, савдо қоидаларини бузиш юзасидан жиноий ишларни кўриб чиқиш суд практикаси умумлаштирилди. Бу масалани ўрганиш жараёнида халқ судлари фаолиятида қонунни кўплаб бузиш фактлари аниқланди. Бу ҳол шунга олиб келдики, шаҳар судида деярли ҳар икки ишдан бири юзасидан чиқарилган суд қарори кассацион тартибда кўриб чиқилиб бекор қилинди ёки ўзгартирилди.

Балоғатга етмаганлар орасида, шу жумладан ишлаётган ёшлар орасида жиноятчиликнинг анча кўпайганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бундай кўпайишлар сони айниқса Ҳамза, Сергели ва Акмал Икромов районларида кўринади.

Ишлаётган ёшлар орасида давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, талончилик, ашаддий безорилик, наркотик моддаларни истеъмол қилиш каби жиноятларни содир қилмоқдалар. Ишлаётган ёшлар контингенти ўртасида жиноятчилик кўплигининг асосий сабабларидан бири жойларда, меҳнат коллективларида тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги жиддий нуқсонлар, иш жойида ҳам, бўш вақтда ҳам улар ёмон контроль қилинаётганлигидир.

«Узместпром» тажриба-эксперименталь заводи сайқалловчиси, Акмал Икромов район халқ суди халқ маслаҳатчиси М. ФАТХУЛЛАЕВА нутқидан

— Ҳақиқатан ҳам халқ судлари ишида ҳали камчиликлар кўп. Бу камчиликлардан бири граждан ва жиноий ишларнинг такрорий кўриб чиқилишидир. Масалан, Акмал Икромов район халқ судида 1984 йилда 65-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасининг граждан-ка Баликовани квартирадан чиқариб юбориш тўғрисидаги даъвоси рад этилди. Орадан бир йил ўтгач, шаҳар суди бу ишни кўриб чиқиб, бошқарма илтимосини қондирди. Сўнгра суд қарори яна бекор қилинди. 1986 йилда шаҳар суди бу ишни яна кўриб чиқди. Шундай қилиб, ана шу сансалорлик уч йил давом этди. Нима учун шаҳар суди мазкур ишни бир йўла объектив ҳал қилмади деган савол туғилади.

Судлар ишидаги камчиликлар тўғрисида гапиранда, эътиборингизни биз қандай шароитда ишлаётганлигимизга қаратмоқчиман. Беш нафар судья учун атиги битта зал мавжуд. Мажлисларни кичкина кабинетларда ўтказишга тўғри келади, ҳоҳлаган кишилар ҳам бу кабинетларга сиғмайди. Бундай шароитда кўриб чиқилаётган ишларнинг сифати яхшиланмаса керак, деб ўйлайман.

ҚОНУН ПОСБОНЛИГИДА

Тошкент шаҳар судининг раиси К. Н. Носировнинг 1982—1986 йилларда шаҳар судининг иши тўғрисидаги ҳисоботи



«СЕБЗОР» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Собир Раҳимов районидаги «Себзор» массиви кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда охирги йилларда жуда кўплаб турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Аммо маиший хизмат кўрсатиш объектлари, савдо шахобчалари жуда секинлик билан ишга туширилмоқда.

Яқинда массив аҳолисига озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи янги магазин хизмат қила бошлади. Бу ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи, замонавий магазинда харидорлар учун барча қулайликлар мавжуд. Маҳсулотлар контейнер усулида савдо залига туширилади, сотувчи ва харидорларнинг қимматли вақтлари тежалади.

— Массивда бундай замонавий озиқ-овқат магазини ягона ҳисобланади, — дейди 68-магазин мудири Шукур Баҳодиров, — келажакда ана шундай қулай озиқ-овқат магазинлардан массивда яна бир қанчаси очилади.

СУРАТЛАРДА: магазиннинг ташқи кўриниши ва савдо залида.

Т. Каримов фотолари.

БИР ЮЗ ТЎРТ САҲИФАЛИК МУҲАББАТ ДОСТОНИ

Кўргазмалар

Бир юз тўрт пейзаж — она табиатга бир юз тўрт марта ташланган нигоҳ... Сиз ва биз ҳам рассом «билан биргаликда саёҳат қилар эканмиз, илгари назаримиздан пинҳон бўлган жилва ва рангларни уқиб оламиз. Ҳақиқий санъатнинг сеҳри ҳам худди ана шундадир: у одамнинг кўзини ўткир қилади, табиат гўзалликларига ошифта бўлишга чорлайди, табиатнинг меҳрибон дўстига айлантиради.

Санъаткор асарлари рассомнинг ўзи ҳақида ҳам ҳикоя қилишга қодирдир. Бу ҳикоя унинг ҳаёт йўли, асарида акс этган таржимаи ҳолининг фактлари бўлиши шарт эмас. Чунки санъаткорнинг пейзажга нигоҳида ижодкорнинг феъл-атвори, кўнгилдаги ҳис-туйғулари равшан кўринади. Шунга қарамай, Тошкент тўқимачилар маданият саройидаги кўргазмада Яков Львович Фрумгарц «биографиясидаги фактлар» ҳам акс этган.

Мана, кўз ўнгимизда меъёрида бўёқ берилган, ранглар бир қадар синиқ, аммо илҳом шижоати жўш уриб турган «Нева гўшаси» асари... Қумлоқ соҳил, дарё ва осмонда аста сузиб бораётган булутлар тасвири. Аммо бу пейзажда уруш аломати бўлган тош ҳам тасвирланган, бу тош кишини ўтмиш ва келажак тўғрисида ўйлашга ундайди. Бу тош жангчилар учун паногоҳ бўлган эди ва уларнинг хотираси сифатида шу ерда қолган. Ўн бешта жанговар мукофотга сазовор бўлган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ўзининг ҳалок бўлган дўстлари ҳақида ана шундай ҳикоя қилган. Қуёш нури тушиб турган қоратошга тикилиб туриб шу заминни асраб авайлашни васият қилган фидоий солдатларни эслаб кетасан, киши.

Рассомнинг бошқа суратларида ҳам она еримиз гўзаллиги тараннум этилган. Ўн йиллар ўтгандан кейин ўзи туғилиб ўсган юртига қайтган санъаткор «Жилға» ва «Ватаним» сингари пейзажларини яратди. Волга соҳиллари, Урал тоғининг ёнбағирлари, Москва атрофидаги ўрмонлар, Байкал тўлқинлари, Карелиянинг яланғликлари, Қизилқумда кўклам фасли очилган лолақизғалдоқлар, Бурчмулла водийлари ва жилғаларини кўриб Ватан туйғусини яна бир бор кўнглимизга туямиз... Эндиликда ёши анча ўтиб қолган ижодкор ҳали қадами етмаган ўлкаларга сафар қилиб янги асарлари билан қайтиб келади. Шу боисдан ҳам бу кўргазмани кўздан кечирганингда «Холисона» пейзаж ҳам ягона онла туйғусини қуйлашга хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келасан.

Яков Фрумгарцнинг шахсий кўргазмасига хос бўлган яна бир хислат бор. Рассом асарлари санъаткор ўзи раҳбарлик қилаётган халқ студияси жойлашган маданият саройи залларида намойиш этилишидир. Бу студияда таълим олган шогирдлар чинакам рассом бўлиб етишдилар. Устоз эса ўз шогирдлари билан ҳамқадам бўлиб, ижод сўқмоқларидан бормоқда.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Мусобақалар хроникаси

ЭРКИН КУРАШ

Корея Халқ Демократик Республикаси пойтахтида яқунланган халқаро мусобақаларнинг финал учрашувларида беш совет спортчиси иштирок этди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига тошкентлик И. Юсуповни (68 кг гача) мағлубиятга учратган фрунзелик К. Омуралиев ва КХРлик Ван Чжон Жэняни курагини ерга текказган оржоникидзелик Д. Тедеев (90 кг)лар кўтарилишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

1987 йилнинг ёзги спорт мавсуми Жаҳон чемпионлари одессалик Г. Авдеенко ва донецклик С. Бубка учун муваффақиятли бошланди.

Г. Авдеенко совет спортчилари орасида бу йил биринчи бўлиб 2 м 34 см га, С. Бубка эса лангар чўп билан сакрашда 5 м 70 см натижа кўрсатиб, Братислава шаҳрида ўтаётган мусобақаларнинг ғолиблари бўлишди.

* * *

Франциянинг Реймс шаҳрида ўтаётган мусобақаларда Европа чемпиони, Жаҳон рекордчиси москвалик Ю. Седих ҳам яхши натижа кўрсатди. У болғани 77 м 90 см га улоқтириб мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VI да **Ойна**, 19/VI да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VI да **Тошболта ошиқ.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ВАРШАВА» ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (18, 20.30 да.)

Кино

18 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАБРДИЙДА ЕР» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да).
«КУРЬЕР» — **Нукус** (жуфт соатларда, 21.30 да).
«ЮЗМА-ЮЗ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (18, 21.00).
«ХОТИРЛАШ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).
«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЕР» — **Восток** (16, 18.30, 21.00).
«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда).
«ХАТАР АЛОМАТИ» — (17.30, 20.00), «ҚИЁФАДОШ» (16.00) — **Искра.**
«БОРИС I» — **Лисунов номли** (17, 20.00).
«ИНТЕРВЬЮ ОЛГАН КИШИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).
«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ АЙБЛАЙДИ» — **Ватан** (16, 20.00).
«СОФДИЛ» — **Ватан** (18, 21.30).
«МАҲФИЙ ЭЛЧИ» — **Дружба** (18, 20.30).
«СИРТАКИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

19 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КУРЬЕР» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).
«ЮЗМА-ЮЗ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (21.30).
«ИНТЕРВЬЮ ОЛГАН КИШИ» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).
«ЯГУАР» — **Ғ. Ғулом номли** (14, 17, 20.00).
«НОЁБ ЗОТ» — **Восток** (жуфт соатларда).
«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ҚОРАЛАЙДИ» — **Ватан** (12, 16, 20.00).
«СОФДИЛ»— **Ватан** (14, 18, 21.30).
«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда).
«МАҲФИЙ ЭЛЧИ»— **Дружба** (12, 15, 18, 20.30).
«УЧ БУЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда).
«СИРТҚИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда).
«БОРИС I» —**Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).
«ХАТАР АЛОМАТИ» — **Искра** (17.30, 20.00).
«ҚИЁФАДОШ» — **Искра** (12, 14, 16.00).
«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Чайка** (11.30, 14, 18, 20.00), **Нукус** (11.30, 14, 18, 20.00), **Москва** (10.30, 16, 20.00), **Ватан** (16, 20.45), **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси
16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987—1988 ўқув йили учун
ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ.

Ўқиш муддати — 1— 3 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 процентини ўқувчиларга берилади.

Билим юртини тугатганлар касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини яхши баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади. Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, бичиш-тикиш тўгараклари мунтазам ишлайди.

Тўқимачилик комбинатида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонада санъат саройи, профилакторий, дам олиш зонаси ва кечки техникум бор.

ЎҚУВЧИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, характеристика, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-автобусларнинг «16-билим юрти» бекати).

«ВНИИстандартэлектро»
ЎЗБЕКИСТОН СИФАТ НАЗОРАТ ТЕРРИТОРИАЛ БЎЛИМИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Илмий ходимлар (2): электр машинасозлиги, кабель техникаси, паст вольтли аппаратуралар ихтисослари бўйича.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Манжара кўчаси 137-уй. Телефон 91-36-50.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
45-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ТЎҚУВЧИ-ЙИГИРУВЧИ ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА ФАҚАТ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 8-СИНФИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 3 ЙИЛ, 10 СИНФИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 1 ЙИЛ, 9-СИНФИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 2 ЙИЛ.

8-синфни битириб келган ўқувчилар ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар, 10-синф маълумотидагилар эса ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ўзлари ишлаб топган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчиларга 5-разрядли енгил саноат ишчиси ихтисоси берилади.

Ўрта мактабни битириб билим юртига ўқишга кирган ўқувчилар айни бир вақтда билим юрти йўлланмаси билан Тошкент тўқимачилик институтининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртида ўқиётганлар база корхонаси ишчиларининг ҳамма имтиёзларидан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: ариза (директор номига), ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестат (8-синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома), характеристика, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 4 дона 3х4 см. ҳажмида фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 185-уй (метронинг — «Халқлар Дўстлиги» станцияси). Телефон 45-47-36.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
41-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10 синфни тамомлаган ёшларни
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автокран ҳайдовчиси («С» категориясидаги (3-класс) ҳайдовчи гувоҳномаси билан), **автослесарь, бульдозер, скрейпер, грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник.**

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синфни битирган Тошкент шаҳрида яшовчи йигитлар ҳамда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтганлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8-синф маълумоти билан — ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни тугатганлар учун ўқиш муддати — 1 йил, 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентини тўланади.

Билим юртини тамомлаганларга эгаллаган мутахассислиги ҳақида диплом ва ўрта маълумот ҳақида аттестат берилади. Аъло баҳолар билан битирганлар олий техника ўқув юртларининг кундузги бўлимига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси, (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли, мактабдан характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ— ОЛИЙ ҲИММАТ!

«Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги хизмат турларини таклиф этади:

АГАР ПИАНИНО ЁКИ РОЯЛИНГИЗНИ СОЗЛАШ ЛОЗИМ БЎЛИБ ҚОЛСА, 91-05-32 ТЕЛЕФОНИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ. Сиздан дарҳол буюртма қабул қилишади ва уни бир сутка мобайнида бажаришади. Устахона адреси: Весна кўчаси, 223-уй;

АГАР МУЗИКА АСБОБИНГИЗ СИНИБ ҚОЛСА-ЧИ? — БУ ВАҚТДА 75-34-05 ТЕЛЕФОНИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ. Уста хизматингизга тайёр;

ХОЛОДИЛЬНИКЛАРГА АБОНЕМЕНТ ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН ШАРТНОМА ТУЗСАНГИЗ — БИР ЙИЛГА 12 СЎМ ТЎЛАЙСИЗ, АГАР ШАРТНОМА МУДДАТИ КЕЙИНГИ ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛСА, ФАҚАТ 9 СЎМ ТЎЛАЙСИЗ ВА ХОЛОДИЛЬНИКНИ БЕПУЛ РЕМОНТ ҚИЛИШ, УНИНГ ҚИСМЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ, ЖОРИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА КИРИТАСИЗ. Булардан ташқари, агар холодильникни устахонада ремонт қилиш зарурати туғилиб қолса, уни бепул устахонага элтишади ва тузатиб уйга олиб келиб беришади. Энг муҳими, бу ишларнинг ҳаммаси навбатсиз бажарилади!

Справкаларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 45-77-49, 45-77-50, 45-77-51.

АБОНЕМЕНТ—ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ФОЙДАЛИ.

Агар тикув машинангиз ишламаётган бўлса нима қилиш керак?

Бундай вақтда сиз 91-05-32 телефонига қўнғироқ қилишингиз мумкин;

КИНО-ФОТО-АППАРАТУРАЛАРНИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ЖОЙЛАШГАН УСТАХОНАЛАРДА РЕМОНТ ҚИЛДИРИШ МУМКИН:

— Ленин кўчаси, 73-уй. ЦУМ яқинидаги маиший хизмат уйи;
— «Чилонзор» савдо маркази;
— Усмон Юсупов кўчаси, «Динамо» магазини.

ДИҚҚАТ!

АҲОЛИГА ЯНГИ ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА: электрон рўзғор асбоблари ва электрон музика асбоблари ремонт қилинянти.

Электрон ўйинчоқлар (кафолати билан ҳам), электр органлар, синтизаторлар, овоз тақлид блоклари, рангли музика қурилмалари, электр гитаралар, кучлантиргич-коммутацион қурилмалар, электрон (кўл, девор, автомобиль) соатлари, вақт электрон релеси (фотобосма, таймерлар ва ҳоказолар учун) шулар жумласидан.

Хизмат учун ҳақ нақд пул ва пул ўтказиш тарзида тўланади.





Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ-14, 23-уй (1, 4-троллейбусларнинг «Ганга» магазини» бекати). Телефонлар: 44-18-01, ёки 0-65.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ҚУРИЛИШ ИХТИСОСЛИГИГА ЭГА БЎЛГАН ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ЮБОРАДИ

РСФСР корхоналари ва қурилишлари: «КАМГЭСЭНЕРГОСТРОЙ», «УЛЬЯНОВСКТРАНССТРОЙ», «САРАТОВТРАНССТРОЙ», «ГЛАВВОЛГОВОДСТРОЙ», «ГЛАВВЛАДИВОСТОКСТРОЙ», «ДАЛЬМОРГИДРОСТРОЙ»га.
Шартнома муддати — 2 йил;
СССР Давлат агросаноат комитетининг «КИРОВАГРОПРОМСТРОЙ», «АЛТАЙАГРОПРОМСТРОЙ», «ТЮМЕНЬАГРОПРОМСТРОЙ», «ЧИТААГРОПРОМСТРОЙ» ташкилотларига.
Шартнома муддати — 2 йил;
Ёлғиз эркаклар СССР Ёғоч-қоғоз саноати министрлигининг «КАМЛЕСОСПЛАВ», «ВОЛОГДАЛЕСПРОМ», «ИРКУТСКЛЕСПРОМ», «КРАСНОЯРСКЛЕСПРОМ», «АРХАНГЕЛЬСКЛЕСПРОМ», «ТОМЛЕСПРОМ» ташкилотларига.
Шартнома муддати — 6 ой, 1 ва 2 йил.
«КАМГЭСЭНЕРГОСТРОЙ», шунингдек Узоқ Шимол билан тенглашувчи районларга ишлаш учун жўнаб кетаётган кишиларга илгари яшаб турган уй-жойларини бронлаш ҳуқуқи берилади. Ташкилий равишда ишга жўнаб кетаётганларга суткалик пули берилади, иш жойига етиб бориш ва қайтиб келиш йўл харажатлари тўланади.

Ташкилий равишда корхоналарга ишга етиб келган кишилар ётоқхона ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Ўша ернинг ўзида уларга бир йўла қайтиб олмаслик шарти билан ёрдам пули берилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари.

БАЛАШИХАДА БЕШ КУН

СИЗНИ БУ ЕРГА МОСКВАДАН ЮМШОҚ УРИНДИҚЛИ ШИНАМ АВТОБУС АТИГИ 15 МИНУТДА ЕТКАЗИБ ҚЎЯДИ.

СИЗ ШАҲАРДА МЕЪМОРЧИЛИК ҲАМДА ГОРЕНКИ ВА ПАХРА-ЯКОВЛЕВСК ҚЎРҒОН-ПАРК САНЪАТИ ЕДГОРЛИКЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ, ШОНШУҲРАТ МАЙДОНИНИ, ҲАЛОК БЎЛГАН ЖАНГЧИЛАР МОНУМЕНТИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛАСИЗ, ЎРМОНБОҒЛАР ВА КЎЛЛАРДАГИ ТАБИАТНИНГ ҲУШМАНЗАРА ЖОЙЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛАСИЗ.

ДАМ ОЛИШ ЗОНАЛАРИДА ПЛЯЖЛАР ВА ҚАЙИҚ СТАНЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛГАН.

ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ:

23 АВГУСТДАН — 26 АВГУСТГАЧА;
29 АВГУСТДАН — 3 СЕНТЯБРГАЧА;
19 СЕНТЯБРДАН — 23 СЕНТЯБРГАЧА;
17 ОКТЯБРДАН — 21 ОКТЯБРГАЧА;
14 НОЯБРДАН — 18 НОЯБРГАЧА.
Путёвка баҳоси — 196 сўм.

ПУТЁВКАЛАРНИ ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН: Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.



ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ.

ЖАНГ МАЙДОНИДА... ПЁТР ЛАШКАРЛАРИ

Сиз «УЗБИТПЛАСТИК» бирлашмасининг 1-ФИРМАЛИ МАГАЗИНИДАН ДОНАЛАРИ ПЁТР ЗАМОНИ УСЛУБИДА ЯСАЛГАН СОВҒАБОП ШАХМАТ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ШАХМАТ ТАХТАСИНИНГ КАТТАЛИГИ 50х50 см. БЎЛИБ, ҚИММАТБАҲО ЁҒОЧ НАВЛАРИ БИЛАН БЕЗАТИЛГАН.

Баҳоси — 135 сўм.

Магазиннинг адреси: «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, 24-уй.

Иш вақти соат 10 дан 19.00 гача, танаффус 14 дан 15.00 гача, дам олиш куни — душанба.

1, 2, 7, 21-троллейбуслар, 47, 100-автобусларда «Ганга» магазини» бекатигача борилади.



«УЗБИТПЛАСТИК» БИРЛАШМАСИНИНГ 1-ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«СЕРГЕЛИ» УНИВЕРСАМИНИНГ БУЮРТМАЛАР САЛОНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу ерда сотувда мавжуд бўлган, кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Буюртмалар «СЕРГЕЛИ» универсамининг ўзида ёки 57-13-75 телефони орқали қабул қилинади.

Буюртмалар салоннинг ўзида берилади ёки кўрсатилган адрес бўйича уйга етказиб берилади.

«СЕРГЕЛИ» универсамининг буюртмалар салони соат 9 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15.00 гача.

40«э», 75, 58-автобуслар; 19-троллейбусда «Сергели ярмаркаси»гача борилади.

«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» савдо фирмаси (телефон 74-66-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Тошкент область, Чиноз районидаги «XXII партсъезд» номли 61-ўрта мактаб томонидан **Шарипова Гулсара Фозиловна** номига берилган 956259 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Самарқанд область, Қўшработ район Очил Қодиров номли 52 (183)-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Қурбонов Мамаражаб Раймович** номига берилган В-717968 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Ҳамза райондаги 43-ўрта кечки мактаб томонидан **Абдурахмонов Маҳаммаджон Аҳмедович** номига берилган 611121 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 08813 Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 22.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2151. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.